

МУСТАҚИЛЛИК

ХУҚУҚ

ДЕМАКДИР

YURIDIK GAZETA

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК!

Республика прокуратурасида яқинда бўлиб ўтган навбатдаги хайъат йиғилишида муҳокама этилган масалаларнинг мақсад-моҳияти прокуратура идораларининг ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини юксак даражага кўтаришга бағишланди.

Мажлисида учта масала қўриб чиқилди. Кун тартибидagi биринчи масала — Жиззах вилоят прокуратура идоралари фаолиятини ялпи текшириш натижалари юзасидан Республика прокуратураси бўлим бошлиғи Н.Файзуллаев ахборот берди.

— Текшириш якунлари шуни кўрсатдики, қонун устиворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида вилоят прокуратура идоралари томонидан муайян ишлар амалга оширилган. Шу билан бирга вилоят прокуратураси раҳбарияти, таркибий бўлим бошлиқлари томонидан прокурор назоратининг асосий йўналишларида ишни ташкил этишда хато ва камчиликларга йўл қўйилган. Қўйи прокуратураларга раҳбарлик қилиш ва улар фаолиятини ташкил этишда етакчилик мавқеига тўлиқ эришилмаган.

Маҳкама ва қўйи прокурорлар томонидан иш режаларини нотўғри тузиш, қонунчилик ва жиноятчилик ахволини инобатга олмастлик, текшириш объектларини аниқ кўрсатмаслик ҳоллари кенг тарқалган. Жиноятчиликни олдини олиш борасида маъмурий органларнинг идоралараро кенгашлари фаолиятдан самарали фойдаланилмаган.

Давлат солиқ ва боғжона идораларининг тергов ва суриштируви устидан назорат қилишда қонунбузилишларга йўл қўйилган. Жиззах шаҳар, Пахтакор туманлари солиқ инспекцияси ходимларига нисбатан қўзғатилган жиноят ишларида сансалорликка йўл қўйилган. Фақат Республика прокуратурасининг аралашувидан сўнггина айбдор шахслар тегишли жиноий жавобгарликка тортилган.

Вилоятда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар салмоғи катта бўлиб қолса-да, уларнинг содир этилиши сабаблари етарли таҳлил этилмаган. Жиззах шаҳри ва Пахтакор, Галлаорол туманларида вояга етмаганлар томонидан жиноятлар кўп содир этилгани кузатилган бўлса-да, мазкур шаҳар ва туман прокурорлари таъсирчан чоралар кўрмаганлар.

Шаҳар, туман прокуратураларида (Жиззах шаҳар, Жиззах, Пахтакор, Бахмал, Дўстлик, Зафаробод туманлари) ходимларнинг ва ёш мутахассисларнинг касб маҳоратини ошириш юзасидан тузилган тадбирларнинг сифати ва ижросига етарли эътибор қаратилмаган.

Жиззах вилоят прокурори М.Отабоев ва вилоят прокурорининг 1-ўринбосари Н.Исломов билдирилган танқидий мулоҳазалар юзасидан тушунтириш бердилар.

— Белгиланган режалар ва қабул қилинган қарорларнинг ижросида изчилликнинг етишмаслиги, қатъиятсизлик вилоят прокуратураси тизимида палапартишликни, ўзибўларчиликни келтириб чиқарган, — деди Республика Бош прокурорининг 1-ўринбосари, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Азимжон Эргашев. — Кадрларни тарбиялаш бу фақат қилмиши учун уларга тегишли равишда жазо бериш дегани эмас.

Раҳбар тарбиянинг энг самарали усулларини яхши ўзлаштириб олиб, ўз жамоасида аввало соғлом ва ишчанлик муҳитини юзага келтира билиши керак.

(Давоми 2-бетда).

«ХАЗОНЛАР ТЎҚИЛДИ ДИЛНИНГ ПОЙИГА...»

XXI асрнинг илк йилида ҳам «Хуқуқ» газетаси ва «Қонун ҳимоясида» журнали ҳар бир хонадонга кириб бурсин, Сизлар билан ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамлансин. 2001 йил учун нашрларимизга обуна давом этаётганлигини яна бир бор эслатиб ўтамиз: «Хуқуқ» ва «Қонун ҳимоясида» — бу Сизнинг минбарингиз. Бу — мустақиллик минбари.

Индексларимиз:

«Қонун ҳимоясида» — 839, 840.

«Хуқуқ» — 231, 232.

ТЕЛЕ АНОНС

«Қонун ҳимоясида» телегуруҳининг навбатдаги кўрсатуви эфирга тайёрланмоқда. Кўрсатувнинг бу галги сониди Навоий вилояти прокуратурасининг қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартиботни такомиллаштириш, деҳқон ва фермер хўжаликларига ҳуқуқий ёрдам бериш борасидаги самарали фаолияти хусусида сўз юритилади. Кўрсатув 23 октябрь — душанба кuni Ўз ТВ1 кечки дастурида намойиш этилади.

«ХУҚУҚ» —

қонунга қароқ

ОБУНА 2001



E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi
prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:**A.ABDURAZZOQOV****Tahrir hay'ati:**

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Botir Po'latov,
Baxtiyor Nazarov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Dilshod Islomov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Zayniddin Mamadaliev

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34
E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelingan qo'lyozma
va suratlar egalariга
qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta andozasi tahririyat
kompyuter markazida
Pentium-II MMX - 333
kompyuterida sahilaladi.
Sahifalovchi B. SAIDOV.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
konserni bosmaxonasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etiladi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma Г - 951
Nusxasi - 13177

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00
Bosmaxonaga
topshirildi 20.00

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Nabatchi muharrir
J. SHAROFBOEV
Nabatchi: N. MAHMUDOV
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8**РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА**

(Бошланиши 1-бетда).

Кун тартибдаги иккинчи масала —
Ўзбекистон Республикаси Бош проку-
рорининг 1997 йил 28 май кунги «Жино-
ятчиликка қарши кураш, дастлабки тер-
гов ва суриштирув ўтказишда қонун-
ларнинг аниқ баёнлиги устидан проку-
рор нозоратини тўлиқ таъминлаш
ҳамда тергов маҳкамаси фаолияти са-
марадорлигини ошириш ҳақида»ги 13-
сонли буйруғи талабларининг ижроси-
ни вилоят ва унга тенглаштирилган про-
курaturalар маҳкамаларида ўрганиш
натижалари ҳақида Республика проку-
ратураси бошқарма бошлиғи О.Ҳамра-
ев ахборот берди.

— Жиноятларнинг олдини олиш,
оғир ва хавфли турдаги жиноятларнинг
содир этилишига имкон яратётган са-
баб ва шарт-шароитларни бартараф
қилиш ишлари замон талаби асосида,
кент жамоатчилиги фаолигида амалга
ошириб бориладган.

Шу билан бир қаторда, жиноятчи-
ликка қарши кураш ҳамда тергов тизи-
ми фаолиятини такомиллаштиришга
қаратилган тадбирларнинг устувор
йўналишларини белгиласи Бош про-
курорнинг 13-сонли буйруғи талаблари
ижросини таъминлашда масъулиятсиз-
ликларга чек қўйилмаган.

1999 йилда умумий жиноятлар сони
9,4 фоизга, оғир ва ўта оғир жиноятлар
сони эса 8,1 фоизга ўсган. Жорий йил-
нинг 1-ярмида умумий жиноятлар 0,5
фоизга камайитирилганлиги эришилган
бўлсада, оғир ва ўта оғир жиноятлар 5
фоизга ўсган. Тергов олди текшириш
ишларини ва тергов ҳаракатларини ма-
лакасиз ва сифатсиз ўтказиш, бу жа-
раёнда қонун талабларини қўпол ра-

вишда бузиш, сансалорлик, жиноят
ишларини асоссиз тўхтатиш ва тута-
тиш ҳолатларига қатъий чек қўйилма-
ганлиги оқибатида 1999 йил давомида
прокуратура ва ички ишлар идорала-
рида тергов қилинган юзлаб жиноят
ишлари судлар томонидан ҳақли ра-
вишда қўшимча терговга қайтарилган.
Биргина Сурхондарё вилоятининг

минтақа прокуратура идоралари томо-
нидан ички ишлар ҳодимларига нисба-
тан бирорта жиноят иши қўзғатилма-
ган. Хоразм вилоятида эса бундай «ке-
лишувчанлик» бир ярим йилдан буён
давом этмокда. Ваҳоланки, кўрсатил-
ган даврда вилоятда ҳисобдан яширил-
ган жиноятлар 85 тани ташкил этган.
Айбдор шахсларнинг терговдан

дан тўхтатилган.

Кўрсатиб ўтилган камчиликлар ва
уларни бартараф этиш юзасидан кўри-
лаётган чора-тадбирлар ҳақида Қора-
қалпоғистон республикаси прокуро-
рининг ўринбосари Х. Қўрбонов, Са-
марқанд вилоят прокурорининг ўри-
нбосари А. Азларов, Тошкент вилоят
прокурорининг ўринбосари М. Усмонов,

ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК!

Ангор тумани прокуратурасида тергов
қилиниб, ЖКнинг 219-моддаси билан
судга берилган 9 та жиноят иши бир
кунда туман суди томонидан қўшимча
терговга қайтарилган.

Ўтган даврда ИИБ ҳодимлари томо-
нидан 1389 та жиноят ҳисобдан яши-
рилганлиги, уларнинг 719 таси жиноят
ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул
қилмаслик йўли билан ҳисобга қўйил-
маганлиги аниқланган.

Бироқ жойлардаги прокурорлар бу
ҳолатлар бўйича ички ишлар идорала-
рига тақдирномалар киритиш билан
қийинлашиб, хизмат бурчини бажариш-
да суиестемолчиликларга йўл қўйган
милиция ҳодимларига нисбатан муро-
сосозлик қилинмокда.

Хусусан, ўтган ярим йилликда ички
ишлар идоралари ҳодимлари томони-
дан ариза ва хабарларни қайд қилмас-
лик йўли билан Бухоро, Сирдарё, Са-
марқанд ва Тошкент вилоятларида
ўнлаб жиноятлар ҳисобдан яшириб
қолинганлиги қайд этилган бўлсада, бу

қочиб яширилганлиги сабабли харакат-
дан тўхтатилган жиноят ишларини ўз
вақтида ўрганиб чиқиш ва улар бўйича
қидирув ишлари устидан прокурорлик
назорати аҳоли талаб даражасида таш-
кил этилмаган.

2000 йил 17 февралга ўтар кечаси
юзларига ниқоб қийган номаълум шах-
слар А.Мамутованинг уйига бостириб
қилиб, унга ҳамда қизи А.Нуржановага
темир ҳисмлар билан оғир шикаст ет-
казишган ва жиноят жойидан қочиб ёш-
ринишган. Дастлабки суриштирув чо-
ғидаёқ жиноятчиларнинг ҳаракатлари-
да қотиқлашма суиқасд ва босқинчилик
аломатлари аққол кўриниб турган бўлса-
да, жиноят иши шахар ИИБ томонидан
ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан
қўзғатилган, тергов ва қидирув ишлари
бир неча ой давомида пайсалга сойиб
қелинган. Жабрланувчилар олган жаро-
ҳатларнинг оғирлик даражасини аниқ-
лаш мақсадида судга оид тиббий экс-
пертизаси 3 ойдан сўнг тайинланган ва
жиноят иши асоссиз равишда харакат-

Тошкент шахар прокурорининг ўри-
нбосари М.Солихов ва бошқалар тушун-
тириш бердилар.

Бош прокурорнинг 1-ўринбосари,
3-даражали Давлат адлия маслаҳатчи-
си А.Эргашев ушбу масала муҳокама-
сига яқун ясар экан, прокуратура фао-
лиятининг асосий йўналишларидан
бири бўлган терговни малакали ва си-
фатли ўтказиш тизим фаолиятини
баҳоловчи мезон эканлигини алоҳида
таъкидлади.

Хайъат йиғилиши кун тартибдаги
учинчи масала юзасидан «Қонун ҳимо-
ясида» журнали ва «Ҳуқуқ» газетаси
Бош муҳаррири А.Абдуразоқов ахбо-
рот берди.

Шунингдек, хайъат йиғилишида
«Қонун ҳимоясида» бирлашган тахри-
рийати «Ўзбекистон» муҳокама қилин-
ди бир овоздан маъқулланди.

Хайъат йиғилишида қўрилган маса-
лалар юзасидан тегишли қарорлар
қабул қилинди.

Д.ХАЛИЛОВ**МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ****ЭНГ БАХТЛИ****21 ОКТАБРЬ — ЎЗБЕК ТИЛИГА**

Агар Одам Ато фарзандларида бугун миллат тушунчаси ҳақиқат-
да бор бўлса, муайян миллатга мансуб инсонлар учун муқаддас
қадриятлар ҳам бор бўлса, шубҳасиз, улардан бири - миллий
тилдир. Тил — миллат тирикчилигининг, унинг мавжудлигининг,
фаолиятининг муҳим шартларидан бири. Миллий тил дунёдаги
барча миллатларнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган
ҳолда муайян миллат яшовчанлиги учун ҳам шу қадар
аҳамиятлидир.

Тарихнинг ҳикоя қилишича, де-
ярх ҳар қандай миллат ўтмиши
гоҳ таракли, гоҳ инкироз билан
кечган. Кўп бора миллий тикла-
нишлар юз берган ва ана шу тикла-
нишлар босиб улар бугунгача яшаб
қела олган. Қадди-бабини тиклай
олмаганлари эса тарих сахнасида
бир-бири тушиб кетаверган. Кўпчи-
лик миллатларнинг тарихда ҳам,
бугун ҳам нуфузини, қудратини
саклаб қолаолганли сабаби, ўз мил-
лий қадриятларига, айтайлик, тил-
лига содиқлиги бўлса ҳам ажаб
эмас.

Миллий ўзлиқни англаш деган
тушунча мавҳуд. Бу анчагина кенг
тушунча. Мана шу тушунча буюк
салтанатларга асос бўлади ва шу
билан бирга мустабид салтанат-
ларни пароканда этади ҳам. Етмиш
йил даврон сурган шўролар салта-
натининг инкирози ҳам унинг
«кучоғида ихтиёрий бирлашган»
миллатларнинг миллий ўзлигини
англай бошлаши сабаб бўлган эди.
Ана шу инкироз арафасида, яъни
1989 йилнинг 21 октябрида мил-
латдош зиёлиларимизнинг сая-
ҳатқатли бири ўзбек тили Ўзбе-
кистонда давлат тили деяр экан
қилинди. Бу миллат тарихидаги
буюк ғалабалардан бири эди! Бу
бир неъмат эди!

Кўринки, бугун бу ғалабанинг
11 йиллиги нишонланади. Бу оз
муддат эмас. Нималарга эриша
олдик? Машаққатлар эвазига кел-
ган бу неъмат қадрига нечоғли ета-
япмиз? Аҳвол мактагулик бўлмаса
ҳам, ногулилик эмас. Ҳар қалай 11
йил олдинги ҳолатдан фарқ бор.

Кейинги пайтда миллий қадри-
ятлар ибораси кўп қўлланилмокда.

Бу ибора тилга олинганда муайян
миллат учунгина қадри бўлган
моддий ва маънавий бойликлар
тушунилади. Миллий тил ҳам мил-
латнинг қадрияти, миллат учун қад-
рли бўлган маънавий бойлик ҳисоб-
ланади. Қадри бўлган бойликни
ғараб-авайлаш, келажак авлодга
асрд юктирмай, имкон қадар сай-
қаллаб етказиш кераклигини ҳамма
ҳам тушунади.

Талабалик давримда (кечагина
эди-й) рус гуруҳда ўқийдиган Алек-
сей исмли ўртоғим бўлар эди. Са-
мимий, оққўнғил рус йигити. Ўзбек
тилини ўрганишга жудаёқ хоҳиши
бор эди-ю, лекин ўзбекчада са-
лом-алиқдан бошқа нарсига тили
келмас эди. «Ўзбекчани ўргат, мен-
га ўзининг тилингда гапир. Биз-
га берилган 8 йиллик муҳлат ҳам
туяяпти. Кейин қандай яшайман?»
— деб ҳоли жонимга қўймасди. Мен
эса ўзбеклигимга бориб, унга ўз
тилида гапирарвардим, русчадан
«тилим чиқиши»ни фойда қилиб.
Алексеяларнинг хоҳиши инобатга
олинибми, хар қалай бу муҳлат
Ўзбеконга бағрикенглик билан яна
шунча муддатга узайтирилди.

Юртимизда 2005 йил 1 сентяб-
рдан «Давлат тили тўғриси»даги
қонун тўлиқ кучга киради. Ўзбек
давлатчилиги тарихида бу жуда
муҳим воқеа бўлади. Унчага эса...

Унчага эса тилимиз тарихига
назар ташласак. Инсоф билан ай-
тганда, тилимизга эътибор ўтмиши-
да ҳам айрили бўлмаган кўрина-
ди. Қадимги туркийлар даврини
ҳисобга олганда ҳозирги ўзбек
тилининг асоси бўлмиш туркий тил
қўпична бошқа тиллар панасида
қолиб кетаверган. Туркий халқлар,

хусусан, ўзбекларнинг аждодлари
ҳукмронлик қилган салтанатларда
ҳам идора тили форсий ёки арабий
бўлганлиги маълум. Нега? Балки
тилимиз идора тили ёки илмий тил
бўлиш талабларига жавоб берма-
гандир? Асло бундай эмас. Буни
беш аср муқаддам ҳазрат Алишер
Навоий ўзининг «Муҳокаматул лу-
ғатайн» асари билан исботлаб бер-
ганлиги кўпчиликка маълум.

Узоққа бормай, Абдулла Қоди-
рий таъбири билан айтганда, «та-
рихимизнинг энг қирқли, қора кун-

рида янраганида қандай вазиятга
тушибдиз? Сизни билмадимки мен
худди бутун Оврўпа Ўзбекча сўзла-
шаётгандай ҳаяжонланиб кетдим.
Балки буни кимдир ўғунчиқа йўр,
лекин қўқоридаги вазиятга қўзла-
ридаги ёшларни яширолмай қол-
ган ўспиринни кўрганимда нима-
лариндир тушунгандай бўлдим.

Инсон учун энг ёқимли сўз бу
унинг исми, агар бирор кишига
унинг исмини айтиб мурожаат қил-
санг ўзингга нисбатан хайрихоҳ-
лик ҳиссини уйғотиш мумкин бўла-
ди, дейишди психолог-
лар. Худди шунингдек,
бирор миллат вақилида
хайрихоҳ муносабат уй-
отиш учун унга ўша тил-
да мурожаат қилинади,
ҳеч бўлмаганда чала
ярымта бўлсада, сўз ай-
тилади («намасте»,
«хелло» каби). Бу билан
«тилингизга бефарқ
эмасман» демоқчи
бўлмаса керак-да. Бун-
дай ҳолат асарият ҳол-

**«Дунёнинг энг бой тили
туркчадир, энг бахтсиз тили
яна туркчадир.**

**...Туркча бахтсиздир. Минг йил-
дан бери эзilib келмишдир. Бит-
мас ва яшамидир. Яшар.
Негаки, бойдир».**

ФИТРАТ.

лари бўлган» хонликлар даврини
эсга олайлик. Ҳар учала хонлиқда
ҳам ўзбек уруғлари ҳукмфармолик
қилганлиги маълум. Шундай бўлса-
да, Хива хонлиқидангина ўзбек тили
идора тили бўлиб, Бухорода фор-
сий, Қўқонда форсий ва арабий
тиллар идора тили деб ҳисобла-
нилган.

Ўзбекистон истиқлол туфайли
жаҳонга юз тутмокда.

Миллийлигимизнинг бир кўри-
ниши бўлмиш курашнинг жаҳон ми-
лҳёсига қиқши сабаб, «ҳалол», «дак-
ки», «чала» каби ўзбекча сўзлар-
нинг узоқ Оврўпа спорт қошонала-

ларда ижобий натижа беради. Энди
буни давлат тилини ўрганишга шо-
шилмаётган, ўзбекча гапирмайдиган
юртдошларимиз мисолида
қўриб чиқсак: хотирамдан кўтарил-
ган бўлмаса, яқин орада рус тили
ҳамюртларимизнинг менга ўзбек-
ча мурожаат қилган ҳолатини эс-
лай олмадим. Алакчақон «ур-ҳо»ла-
ри «урра»га айланиб улгурган мин-
тақада гувоҳи бўлганим бир воқе-
ани эса эслаб қолдим. Илмий ан-
жуманлардан бирида иштирок эти-
шимга тўғри келди. Ёш олимлар
долзарб мавзуда маърузалар ўқиш-
ди. Навбати етган бир йигит мин-

ТАДБИР

ТИКОНГА АЙЛАНГАН ГУЛЛАР

Термиз туманидаги «Халқобод» жамоа ҳўжалигида яшовчи Улуҷжа-мол Бердиева бир фуқаронинг 36 минг сўмликдан ортик турли хил кийим-кечагини ўғирлаб кетган. Шерободлик Давлатой Норкулова эса беш ой мобайнида уч марта шу турдаги жиноятни содир этишга улгурган.

Термиз шаҳрида истижомат қилган Хосият Солиева муқаддам уч маротаба судланган. У яна ажал дориси — гиванд модда билан боғлиқ жиноятга қўл ургил. Денов шаҳрида яшовчи Жангил Умирова эса янада жиркан йўлни танлаб, 2 минг сўм пул эвазига қўшмачилик қилган.

Минг афсуски, ҳатто диний-экстремистик тўдаларга қўшилиб қолаётган хотин-қизлар ҳам бор. Бунга Қўмқўрган туманидаги «Бой-моқли» қишлоғида яшовчи Гулба-хор Абдураимова, Аддолат Утаганова, Мунсарр Холиқоваларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Аччиқ бўлса-да, ҳақ гапни айтишимизга тўғри келади. Ҳозирда ҳотин-қизлар томонидан содир этилаётган жиноятлар сони тобора ортиб бораётти. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жиноят кўчасига кирган хотин-қизларнинг кўпчилиги на ишлайди, на ўқийди. Қолганлари эса муқаддам судланганларни ташкил этади.

Бу далилларни қайд этишдан мақсад кимнидир айблаш эмас,

Қадимдан аёлларни гулга, гўзалликка қийс қилиб келишган. Аёлларга назокат, латофат тимсоли сифатида қаралган. Уларнинг муҳаббати, севгига садоқати не-не қалбларни мафтўн этмаган, дейсиз. Булар ҳақида кўп гапириш, кўп ёзиш мумкин. Аммо бугун биз ёзмақчи бўлганларимиз...

балки яна бир бор эътиборни ана шундай ярамас иллатларни келтириб чиқараётган сабабларга қаратиш ва уларнинг олдини олишга даъват этмоқликдир. Тўғри, жиноятчиликка қарши курашиш аввало-мбор ҳуқуқ-тартибот идораларининг вазифаси. Бирок, бу хотин-қизлар кенгашлари, маҳалла қўмиталари, аҳолини иш билан таъминлаш идоралари, «Қамолот» ёшлар жамағамаси, қолаверса кенг жамоатчилик бундай нохуш ҳолларга томошабин бўлиб турсин, дегани эмасдир, ахир.

Афсуски, аксарият хотин-қизлар кенгашлари ва маҳалла қўмиталари мутасаддилари ҳатто ўз ҳудудларида қанча ишсиз ҳамда ўқимайдиган ёки муқаддам судланган аёллар борлигини ҳам билишмайди. Уларнинг юриш-туриши, ҳуқ-атвори билан-қў сира ишлари йўқ.

Ҳўш, бекор юрган хотин-қизларни фойдали меҳнат билан банд этиш тўғрисида ким қайгуради? Жазони ўтаб келган аёлларнинг тўғри йўл танлашларида ким ёрдам беради? Нотинч оилалар тарбияси билан ким шуғулланиши керак?

Сурхондарё вилоят прокурату-раси ташаббуси билан ана шу му-

хим масала воҳа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларининг мувофиқлаш-тирувчи кенгаши йиғилишида қўриб чиқилди. Унда вилоят прокурори-нинг ўринбосари Б.Қодиров ўз маъ-рузасида кўн тартибидagi мавзунинг ҳар томонлама таҳлил этиб, ўз тақ-лиф-мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилишда туман прокурорла-ри, ички ишлар бўлимлари бошлиқ-ларидан ташқари хотин-қизлар кен-гашлари раислари, вилоят меҳнат ва бандлик хизмати бошқармаси, вилоят кўнликма маркази, «Маҳал-ла» жамағамаси, «Қамолот» ёшлар жамағамасининг вилоят бўлими рах-барлари иштирок этишди. Йиғилиш-да шундай хулосага келинди: Аёл-ларни авайлаб-асрайлик. Бу ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ,
«Хуқуқ» муҳбири



Ўзлигини унутма, аёл!

ИЛАТ ИЛДИЗИ

МИЛЛАТ ВА САРХУШЛИК

ЁКИ ҲИНДУЛАРНИНГ
МАНГУ ТУЗОҒИ
ҲАҚИДА

ган Шерлок Холмс образини ярат-ди. Холмс наркотик моддалар ми-ямини тезроқ ишлашга мажбур эта-ди, деб ўйларди.

Тарихдан яна шу нарсалар маъ-лумки, воқеликни унуттириш учун фақатгина наркотик моддалар иш-латилмаган. Ҳар бир халқ лаззатга эришишнинг ўзига хос йўллари-ни қидирган. Масалан, сайёрамининг баъзи минтақаларида яшовчи халқ-лар наркотик моддалар истеъмол қилиш орқали кайфу сафо қилган бўлсалар, славянар асал, кейин-роқ эса пиво ёрдамида сархуш бўлганлар. Кейинчалик эса улар-нинг ўрнини русларнинг машҳур самағони эгаллаган. Ирландлар ва шотландларнинг ота-боболари эса янчилган арпадан ўска тайёрлаш технологиясини ўша вақтлардаёқ ўзлаштириб олишга эришганлар. Чўл ва даштларда яшовчи халқлар эса қимиз тайёрлашни билганлар. Бу ичимлик ҳам одамларни яхшиги-на маст қилган.

Шу сабабдан бўлса керак, Чин-ғизхон ҳарбий юришлар чоғида хиз-матчиларига ҳафтада 3 мартадан ортик қимиз ичишни таъқиқлаш ҳақида махсус қонун чиқаргани мажбур бўлган. Унинг бундай қарор-га келиши сабабларидан яна бири ўғли Угадойнинг маст ҳолда отдан йиқилиб ҳалок бўлганлиги бўлса керак.

Викинглар эса қўзқоринлардан алкоғолли ичимликлар тайёрлаш-ган. Ҳатто қон ҳам инсонни сархуш қилиши мумкин экан. Фақатгина Граф Дракула эмас, балки баъзи сибирийликлар ҳам бугу қонини ич-ганлар.

Даврлар ўтиши билан наркотик моддалар ва спиртли ичимликлар уруш даҳшатларидан ҳам катта офатлар келтириб чиқара бошла-ган. Гап шундаки, дунёнинг кўпгина халқлари организмда алкоғолли парчалаб ташлайдиган ферментлар мавжуд бўлмаган. Бундай халқлар-ни унга муҳасидан кетказиш учун озгина алкоғол кифоя. Европалик-лар бундан усталик билан фойда-

ланганлар ва айрим халқларни ал-коғол ёрдамида маст қилишга ўр-берганлар.

Буни қарангки, уларнинг ўзлари ҳам сезмаган ҳолда одамни сархуш этувчи воситаларга боғланиб қо-лганлар. Масалан, Шимолий Аме-рика ҳудудларида тамаки барглари-ни фақатгина табиий ҳолда истеъмол қилган бўлсалар, европа-ликлар уни химиявий йўл билан қай-та ишлаб, оқ ажалга айлантirdi-лар ва минглаб одамлар ҳалок бўла бошлади.

Чор боқчинчилари юртимизни эгаллаб олгунларига қадар ўлка-мизда спиртли ичимликлар ва нар-котик моддалар истеъмол қилувчи-лар жуда кам эди. Улар кириб кели-ши билан миллатнинг генини бу-зишнинг асосий воситаларидан бири сифатида алкоғолдан фойда-ланила бошлаган. Тан олиш керак-ки, уларнинг ушбу тактикаси ўз самарасини берган.

Жамиятимизда бугунги кунда мавжуд бўлган кўпгина иллатлар-нинг сабабчиси алкоғолдир. Аҳвол шу даражага бориб етдики, тўйлар-да, давраларда спиртли ичимлик ичиш уят ҳисобланмайдиган бўлиб қолди. Ногиронлар ва наркоман-лар кўпна борди, ўғирлик, фохиша-бозлик каби иллатлар урчиб кетди. Бир сўз билан айтганда, миллат-нинг бузилишига, уни инкирозга юз тутишида наркомания ва алкоғо-лизмнинг таъсири катта бўлаётти.

Сир эмас, фақатгина қонунлар ёрдамида бу иллатларга қарши ку-раштири бўлмайди. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, инсониятни ҳалокатга етакловчи бу йўлдан қай-тариш учун жамиятнинг бутун қуч-ларини ана шу мақсадга сафарбар қилиш зарур. Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини сотиш борасида маълум бир қатъий че-кловлар жорий этиш лозим. Шунин-гдек, уларни реклама қилишни ҳам тартибга солиш жоиз. Шуни ёдда тутиш зарурки, бир томондан соғ-лом авлодди қамол топтириш ҳақида гапириб, иккинчи томондан спирт-ли ичимликлар ва тамаки маҳсулот-ларини кенг тарғиб қилиш оддий мантиққа ҳам зиддир.

Бехзод МУМИНОВ

ВА ЭНГ БОЙ

ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАН КҲН

барга чиқиб, маъруза мавзусини ўзбекча ўқиганда йиғилишни бо-шқариб бораётган профессор «рус-ча ўқимайсизми», деган маънода «Сиз қайси тилда ўқийсиз?» деб сўраб қолди. (Унгча маърузалар рус тилида ўқилган эди.) Анави йигит эса «Давлат тилида», деб гапни кесиб қўя қолди ва тайёрлаб келган маърузасини ўзбек тилида ўқий бошлади. Лекин тугата олма-ди. Иштирокчиларнинг аксарияти уни тингласан, улар қаторида учта тилини мукамал биладиган, ўзи яшаётган мамлакатнинг давлат ти-лини эса умуман тушунмайдиган профессор ҳам маърузачининг қуй-иб - пишиб гапирётган гапларига эътиборсиз эди. Бу ҳолатни ўзига нисбатан ҳурматсизлик деб билди чоғи, йигит маърузасини тугатмаёқ хонадан чиқиб кетди. Анжуман эса давом этаверди.

Яна бир мисол, ўн - ўн беш қишлоқлик жамоада, майли у меҳнат жамоасими, қўни-қўшинларми фар-қи йўқ - биттагина ўзбек тилини билимайдиган киши бор дейлик. Айтинг-чи, жамоадар қолган ўн-ўнбеш киши қайси тилда гапира бошлайди? Айниқса, мансабдор шахслардан аксариятнинг хат-са-води рус тилида чиққан юртимиз шароитида.

Вазият шу йўсинда давом этар экан, беш йил ичида ҳар бир кор-хона у хусусийми, қўшма корхона-ми, давлат ёки нодавлат ташкилот-ми, бундан қатъий назар, ҳар бир идорага ўзбек тили идора тили сифатида кириб боришини тасав-вур этиш осон эмас. Шундай бўлса-да, қилинаётган ижобий ишлардан қўз юмиш ҳам адолатдан бўлмас.

Ҳақиқатда бугун тилимиз нуфу-зи учун нима чоралар кўришмоқда? Баъзи халқлар ўз тилларини ёймок ниятида дунёнинг ҳар бурчагига ўз фидойиларини отлантираётган бир замонда, ўзбеклар ерида бўлсада, ўзбек тили қанчалик тарғиб қилин-моқда?

Тилшунос бўлмасамда, ўзбек тилининг бошқа туркий тиллардан бегоналашиб кетишини тилининг қисматиға йўйиб қўявериш нотўғ-ри деб ҳисоблайман. Муайян чора-лар билан бу тиллар орасидаги фарқларни камайтириш мумкин.

Бой тилимиз эртага бахтли бўла-ди. Бахт эса жуда кенг тушунча. Уни дунёқараш ва савиясидан келиб чиқиб ҳар ким ҳар хил тушу-нади. Тилининг бахти эса гўдакнинг айтган илк сўзи, оналар алласи-ю битилажак қўшиқлар, миллионлаб инсонлар сўзлашуви, яратилаёт-ган адабиёт ва яна жуда кўп нарсалардандир.

Миллатдош, тилимиз бой ва бах-тли бўлмоғи Сизу менга, ҳамма-мизга боғлиқ масала. Бугун сизу биздан уни келахакка барча гўзал-ликлари билан етказиш ҳам талаб этилади. Бунинг учун эса етарли эътибор бўлса кифоя.

Фикрларимни Абдулла Авлоний-нинг бугунги кўн учун қийсидир ҳижатдан тегишлидай кўринган ушбу сўзлари билан яқунламоқчи-ман: «...Боболаримиз йўлидан чи-қиб кетдик. Яхши қўшиндан ол-гунча, ёмон уйингдан қидир, де-мишлар. Боболаримизга етушган ва яраган муқаддас тил ва адабиёт бизга ҳеч камлик қилмас...»

Шавкат ЁДГОРОВ
«Хуқуқ» муҳбири

МУШТАРИЙ СЎЗ СЎРАЙДИ

Қўлимга «Хуқуқ»нинг бир сони тушиб қолди. Қизиқиб, уни варақлай бошладим. Газетанинг ички саҳифаларидан биридаги «Қаноти қайрилган «Лочин» ёки ер эгасини топади?» сарлавҳали каттагина мақола эътиборимни тортди. Мақолада ёзилишича, тўрачилик, қороз-бозлик таъсиридан қутула олмаётган айрим раҳбарлар «Лочин» фермер ҳўжалигининг равақ топишига турли йўللار билан тазйик ўтказган. Ҳўжаликнинг ерини тортиб олишга ҳаракат қилишган.

Очиги, мақолада кўтарилган муаммога исталган жойда дуч келиш мумкин. Бунга қисман бизнинг ўзимиз ҳам айбдоримиз. Фаолиятимизга доир қонунлардан беҳабаримиз, ҳақ-ҳуқуқимиз учун курашишга истиҳоло қиламиз. Ўртада бирон-бир низо келиб чиққанда эса, қонун қим томонда эканлигини яхши англаб етмаймиз. Шу гапларни куйиниб ёзаялману, туманимизда бундай ҳолларга барҳам берилганлигидан кўнглим таскин топади.

1967 йилда Самарқанд Қишлоқ ҳўжалик институтининг агрономлик факультетини битирганман. Ушандан бери деҳқончилик билан машғулман. Кўп йиллар жамоа ҳўжалигига раислик қилдим. Мамлакатимизда тadbirkor ва ишбилармонлар қаторида деҳқон-фермерларнинг ҳалол меҳнат қилишлари учун янги имкониятлар очила бошлагач, мен ҳам ер олиб, деҳқончилик бобида тўплаган тажриба ва билимларимни синаб кўрмоқчи бўлдим. Туман раҳбарлари фикримни эшитишгач, менга ҳар жиҳатдан биронда бе-ришга тайёр эканликларини билдиришди. Шундан сўнг жамоа ҳўжалигига қарашли, қурилиши йилдан йил қўзғалаётган икки гектарлик ис-сикхонага ва унинг атрофидаги паст-баланд, ташландик ерларни олиб, «Миришкор» фермер ҳўжали-гини ташкил этдим. Ташландик ер-ларни эпакчага келтиришнинг ўзи бўлмади. Иштиёримда биронта те-ника йўқ. Шу масалалда баъзи идо-раларга мурожаат қилсам-да, фой-даси бўлмади. На чора, аравани ўзим тортишга мажбур бўлдим. Тўрт ўғлим ҳам қараб турмади, астойдил тер тўкишди. Турмуш ўртоғим Мўстабархон ва келинларим ҳам қўлларидан келганча ердам бериш-ди.

Таркибида 40 гектар сўғорила-диган ери бўлган 54 гектарлик таш-

ландик майдонни тартибга солган чоғимизда вилоят ер тузилиши идо-расидан вакиллар келиб, мени бу ердан четлатиш мақсадида турли ваҳжларни рўқча қила бошладилар. Жонингиз жабборга бериб, ташлан-дик ерни обод қилган вақтингда, кимлардир келиб янги ерга эгалик-

ҳисобидан битта «КаМАЗ» автома-шинаси, ишчиларни ташш учун битта микроавтобус, 3 та трактор ва енгил машиналар олдик. Бу гаплар-ни мактабни учун айтаётганим йўқ. Аксинча, ҳар ким ўз истиқболини ўзи ярата олишига ишора қилаял-ман, холос. Саховат, хайр-эхсон ишлари ҳам мактов учун қилинмай-ди. Ҳар йили Наврўз байрамида қўшни қишлоқлар аҳолисини тақ-лиф этиб, дастурхон ёзамиз. Ўтган йили эса моддий жиҳатдан кам таъ-минланган 33 та оила болаларини жамлаб, уларнинг суннат тўйлари-ни ўтказдик.

Фермер ҳўжалигимизда баъзи



САХОВАТ — МАҚТОВ УЧУН ҚИЛИНМАЙДИ

ни иштиёр этса, одамга алам қилар-кан. Хайрият, улар чўчварани хом санаганларича қолавердилар...

Уша 1997 йили иссикхонамизда етиштирилган ҳосилнинг чўғи шу-нақа баланд бўлдики, асти қўяверас-сиз. Барча солиқларни, қарзларни тўлаб анча енгиллашдик. Ҳисоб ра-қамимизда ҳам анчагина маблағ қолди. Меҳнатимиз роҳатидан баҳ-раманд бўлгач, янада завқ билан ишлаш бошладик.

Ҳозирда бир нарсаси муҳтож-лигимиз йўқ. Рўзгордан орттиргани-мизни халқимизнинг, маҳалла-куй-нинг яхши кўнларига сарфлаялмиз. Дастлаб, шарт-шаритни ҳисобга олиб маънавият ва маърифат мар-кази биносини қурдик. Кўрсангиз, бамисоли қаср дейсиз. Ёнидан ик-кита ҳовуз қаздириб, унинг чор-атрофини гулзорга айлантирдик. Кейинги йил эса даромадларимиз

бир муаммолар пайдо бўлганда ёки сабабсиз текшир-текширлар қўлай-иб кетган вақтларда қонун ҳимоячи-ларига мурожаат қиламан. Улардан маслаҳатлар оламан, йўл-йўриқла-рига амал қиламан.

Кези келганда яна бир хайрли иш ҳақида гапирмоқчиман. Тумани-мизда айни вақтда 440 та фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Биз, фермерлар барчамиз тadbirkor ва ишбилармонлар ҳимоячиси бўлган «Хуқуқ» газетаси ва «Қонун ҳимоя-сиди» журнаliga келгуси йил учун ҳам обуна бўлишга қарор қилдик. Чунки, ушбу нашрларни доимий ўқиб бориш фойдалан холи эмаслигини кўпчилик фермерларимиз жуда яхши билади-да!

Абдурауф ДАВРОНОВ,
Самарқанд туманидаги
«Миришкор» фермер ҳўжалиги
раҳбари

ЭССИЗ ОДАМ!

... — Менга қара, яшашни истасанг, жонингдан умидинг бўлса, машинани бизга бер!

Шокир Худоёров ниманидир ўйлаб ўтирганди. Орқа ўриндикда ўтирган йўловчининг гапини англамагандек ортига қаради. Мижози-нинг қўлидаги милтиқни кўргач, ҳозиргина унга ноаниқ эшитилган сўзлар қўлоқлари остида қайта жаранлагандай бўлди: «Машинани бизга бер!!!»

— Нима учун?..

Шокир беихтиёр шундай деди-ю, олдида ўтирган одамнинг нега машинани тўхтаттирганини, зовур томонга бораётиб, шериғига маъ-ноли қараб қўйишининг сабабини англагандай бўлди. Ноилож, маши-надан тушди.

ТУНДА ОТИЛГАН ЎҚ

Шу пайт Шокирнинг кўнглидан нималар ўтмади?! Йўлига зор-интизор кўз тикиб турган болаларини, муштирап хотинини ўйлади. Кейин ўзини койиди: «Отпусқада бўлсам, тинчгина уйда ўтирсам ўларимдим? Ё, кўним ўтмай қолувдим?! Битта «Дамас»га тушиб ўтирибман-а...». У болалари кўз олдига келган замон бу одамларга ялинмоқчи, қандай бўлмасин машинани қайтариб олмоқчи бўлди. Лекин турки-тароватидан улар кўнгли бўшайдиган, раҳмдил одамлар-га ўхшамасди. Ҳозиргина елдек учиб келган «Дамас» ҳам Шокирнинг кўзига мунғайиб қараётгандай туюлди. Мол аччиғи — жон аччиғи, деганларидек, машинани кўш қўллаб топширишни истамасди. Дагдага йўлига ўтди:

— Мен қаратэчиман, зўравонлик қанақа бўлишини ҳозир сенларга кўрсатиб қўяман...

У машина олдиғача етиб келолмади. Ногоҳон милтиқдан узилган ўқ уни ерга қулатди.

Ахмадининг ранги докадай оқарди. У бир қонга беланган ҳайдовчи-га, бир ҳамон милтиқ ушлаб турган Қобилжонга маъносиз қараб кўярди.

— Бўлар иш бўлди. Энди буёғига тезроқ бўлишимиз керак. Қани, оёғидан кўтар-чи. Зовурга ташлаймиз.

...Ховлисида янги «Дамас» пайдо бўлганидан ажабланган Қахра-мон Қодиров уни қайноғаси Асқад олиб келганлигини эшитгач, бироз хотиржам бўлди. Лекин хотинининг жиянига: «Каттақон ҳовлигига юзта мошин сигади-ю, шўгина сиймай қолдимми?» деб ёғиргани кўнглига хижолик солди. Хотинидан бу ўғирлик машина эканлигини эшитганда эса бутунлай тинчидан айрилди. Бунгача Асқад «Дамас»-ни бўлақларга бўлиб улгурган, бир қисмини сотган ҳам эди. Хаётирда қолган эр-хотин Асқаддан «Да-мас»ни тезда олиб кетишни талаб қила бошладилар.

Қаҳрамон хотинини ўйлаб, қайноғасини милицияга топширмасли-ги аниқ эди. Лекин собик ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси жиноятни яширганлиги учун ўзи ҳам жиноят иштирокчисига айланишини наҳот-ки билмаган бўлса?!

Охир-оқибат шундай бўлди. Жиноятни яширганлиги учун Қаҳрамон ҳам қора курсига ўтиришга мажбур бўлди.

...Ишлар хамирдан қил сўғургандай кетаётганидан жиноятчилар жуда хурсанд эдилар. Қобилжоннинг таниши — Эркин бошлаб келган харидор «Дамас»ни 700 мингга сотиб олишга кўнди. Қотиллар эса аслида машинани бундан арзонга пуллашга ҳам рози эдилар. Қобилжон савдонинг учидан 60 минг; Ахмад эса 35 минг сўмни кўртдай санаб олаётганларида гўё тортган «заҳмат»ларининг роҳати-ни қўраётгандай эдилар.

Кўп ўтмай жиноят фош қилинди. Суд ҳукми ўқилди. Қобилжон Турсунов ва Ахмад Абдиев қилган хунрезликлари учун олий жазога маҳкум этилдилар. Эркин Тангаторов ва Асқад Мамадалиевларга нисбатан эса узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарилиди. Бу жиноятни яширгани ва ўз вақтида тегишли органларга хабар бермаганлиги учун Қаҳрамон Қодиров бир йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Абдураззоқ МУРОДОВ,
журналист



Суратда: Фаргона вилояти Қува туманлараро прокуратураси терговчиси Э.Раҳматуллаев прокуратура иш ўрганувчиси Т.Ҳозиевни тергов ҳужжат-лари билан таништирмоқда.

Р.ШАРИПОВ олган сурат.

БУКРИНИ ГЎР ТЎҒРИЛАЙДИМИ?

ДИНДОР НИҚОБИДАГИ ФИРИБГАР

Ўттиз беш ёшни уриб қўйган Аҳат Орипов байриқо-нуний диний оқимга ёшларни даъват қилиб юрганида қўлга олиниб, Президентимизнинг авф этиш тўғриси-даги Фармонида биноан жиноий жавобгарликдан озод этилганди.

У эса бу имкониятдан бошқача фойдаланди. Таниш-билишларига, қўни-қўшниларига юқори идораларда ишловчи ўртоқлари қамоқдан чиқишида катта ердам берганлигини айтиб, мактабни юрарди. Ёру-дўстлари бисёр, қўли узун Аҳатнинг таърифи Зулфияхон Исмои-лованинг ҳам қўлиғига етиб борди. Унинг эри Файрат Исмоилов ҳам байриқонуний диний оқимларга мансуб-ликда гумонланиб, қамоққа олинганди. Эрини қўтқа-риш учун ҳар нарсаси тайёр турган аёл қайноғаси Шавкатжон билан Аҳат ҳузурига йўл олди.

Аҳат гам-андўҳда юрган муштипарга далда берди: — Катталар билан ўзим гаплашаман. Эриз ўн-ўн беш кунда чиқади!

Зулфияхон ҳам, Шавкатжон ҳам мулла Аҳатнинг сўзларга чиппа-чин ишонишди. У эса ичида ўзича тахмин қилди: менга ўхшаб пўшаймон бўлиб, ариза ёзиб беришса, барибир қўйиб юборишсади, ўз оёғи билан келиб турган лўқмадан фойдаланиб қолиш ло-зим!

— Бу иш жуда нозик, — деди сўнгра уларга. — Ман ўртада воситачи халос. Пича узатмасак кўндириб бўлмайди.

— Нима десангиз, топиб берамиз, — деди бечора аёл. — Гаплашиб ўшадан чиқариб берамиз бўлди! Аёлнинг бу сўзларидан дадиллашган Аҳат дангалига кўчди:

— 2000 АҚШ доллари топиб келсаларинг, икки ҳафтадан сўнг Файратжон уйда бўлади...

Зулфияхон Шавкатжон билан таниш-билишлардан қарзга пул суриштиришга киришишди. Қўшнларига Аб-

дуллажон Махсумовдан 580 минг сўм, Қурбонали Гофуровдан эса 112 минг сўм қарз кўтаришди.

Шавкатжон билан Зулфияхон Аҳат билан келишган-ларидай соат саккизларда Навоий мавзесидаги бозор-ча ёнига бориб туришди.

— Икки минг тополмадигу-у, минг долларча опкелдик, — деди Зулфия. Аҳат етти юз минг сўмни олиб, қўздан ғойиб бўлди. Ҳозиргина қўлига тушган пулдан икки юз мингини бир йил аввал қарз олган, ҳозир қамоқда ётган яна бир «сафдоши»нинг онасига элтиб берди. У қамоқ-дан туриб Аҳатнинг қарз олганини ёзиб юборган, онаси эса қарзни сўраб қўймаётганди. Қолган пулни эса тижоратга сарфлади. Яна бир танишини лақиллатиб, 200 қоп унни сотиб, пулни беришга кўндирди-ю, уни ҳам чўв туширди.

Аҳат «гаплашиб қўйганман, эртага чиқади, индинга чиқади», деб З.Исмоиловани икки ой лақиллатиб юрди. Ниҳоят, унинг гаплари алдовдан бошқа нарсаси эмасли-гига ақли етган Зулфия ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилди...

Ушбу жиноят иши айбланувчининг яшаш жойида — Қўқон шаҳридаги «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини-да муҳокама этилди. Шаҳар прокурори О.Султонов, шаҳар ИИБ бошлиғи А.Қундузов биринчи марта «Ҳиз-бут таҳрир»га қўшилиб қолганида Президент Фармони билан авф этилган Аҳат Орипов ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаган, аксинча фирибгарлик қилиб юрган-лигини маҳалладошларига сўзлаб бердилар.

«Ҳизбут таҳрир»нинг бу каби нопоқ «намоёндалари» ушбу диний оқимнинг ўзи ҳам алдов ва фирибгарлик асосига қурилганини яна бир бор намоёйиш этди.

Илҳомжон ИСМОИЛОВ,
Қўқон шаҳар прокурорининг ўринбасари,
адлия маслаҳатчиси

МАААКАЛИ ТЕРГОВДАН НАМУНАЛАР

Мухтор Бобоевнинг Янгиер шаҳар прокурори этиб тайинланганига унча кўп бўлгани йўқ. Асли Сирдарёда туғилиб ўсган, бир неча йил вилоят прокуратурасида турли лавозимларда меҳнат қилиб, сўнг Республика прокуратурасида билим ва тажрибасини орттириб қайтган Мухтор ака мирзачўликларнинг табиатини яхши билади. Улар ўзига бино қўйганларни ҳушлашмайди. Кексалари эса «эр йигит бўлсанг, элга қўшил» деган мақолни кўп такрорлашади. Айнан ана шу тарбияни олган прокурорга «элга қўшилиб» кетиш унча қийин бўлмади. Бу эса ўз навбатида унинг меҳнат фаолиятида жуда кўп марта қўл келди.

Юқоридаги хабар бўйича шаҳар ИИБ билан биргаликда тезкор-тергов гуруҳи тузилди, амалга оширилиши керак бўлган тезкор чора-тадбирлар режалаштириб олинди. Гуруҳ аъзолари иш бошлашдан олдин прокурор ўз тахминларини ўртага ташлади:

— Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги гўмонларга асосланиб тергов ҳаракатлари олиб боришни мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

1. Жиноят кўп миқдорда қарз бўлиб қолганлик оқибатида, қарз олган шахс томонидан содир этилган.

2. Қотиллик ўзаро рақиб сабабли юз берган бўлиши мумкин.

3. Жиноят муқаддам судланганлар томонидан ички келишмовчиликлар оқибатида юз берган бўлиши мумкин.

4. Марҳум қандайдир жиноятнинг гувоҳи бўлиб қолганлиги боис жиноят иштирокчилари томонидан ўлдирилган бўлиши мумкин.

Тергов гуруҳи ишга киришди. Энг аввал марҳумнинг шахсини аниқлаш лозим эди. Шу кўннинг ўзида судга оид тиббиёт экспертизаси тайинланди.

Тергов тахминлари бўйича олиб борилган текширишлар эса натижа бермади. Биринчи тахмин бўйича шаҳар ҳудудидаги барча киморхоналар аниқланиб, киморбоз шахсларнинг жиноятга алоқадорлиги текширилди. Иккинчи гўмонга асосланган ҳолда «ахлоқ миллицияси»да ҳисобда турувчи энгил табиатли аёллар, қўшмачилар рўйхатга олиниб, шаҳар ҳудудида истиқомат қилувчи шундай аёллардан 12 нафари билан суриштирув ишлари олиб борилди. Учинчи тахмин ҳам пучга чиқди: муқаддам судланган, маъмурий назоратда турувчи 18 нафар шахс бўйича олиб борилган ишлар уларнинг содир этилган жиноятга алоқаси йўқлигини кўрсатди. Шунингдек, гивёнад моддалар билан боғлиқ жиноятларга қўл урган 22 нафар шахсдан 16 нафари тезкор гуруҳлар билан сўроқ қилинди.

Бундан ташқари, кенг қўламда тезкор-қидирув ҳаракатлари олиб борилди. Жумладан, жазони ижро этиш жойларидан озод этилган шахслардан 19 нафари, ҳисобда турган 56 нафар руҳий касаллардан 21 нафарининг қорис-қорис ўрганиб чиқилди. 5 нафар бедарак йўқолган фуқароларнинг қидирув ишлари ҳам эътибордан четда қолмади.

Олиб борилган шунча ҳаракатларнинг натижа бермаётгани прокурорни ўйлантирди. Қотил ким? Нима учун у бунчалик ваҳшийликка қўл урди? Унинг ҳаёлида шу қаби саволлар тинмай чарх урарди. Энг асосийси — марҳумнинг шахси аниқланмаётганлиги ишнинг ривожига ҳалакат бераётган эди.

Бу орада суд-тиббиёт экспертизасининг хулосаси тайёр бўлди. Прокурор хулосалар билан танишар экан, жасадни кузатиш пайтида ўзи тахмин қилган айрим мулоҳазаларнинг тўғри эканлигига амин бўлди. Экспертлар фикрига қўра,

1999 йил 29 декабрь. Қишнинг қаҳратон совуғига қарамай одамлар байрам кайфиятида. Ҳадемай, XX асрнинг сўнгги йили кутиб олинади. Кимдир янги йил дастурхонига майда-чуйда олиш илинжида дўкон айланади, яна кимдир эса харид қилган нарсаларини кўтариб уйига шошади.

Янгиерликлар ана шундай кайфиятда байрамга тайёргарлик кўраётган бир пайтда шаҳар прокуратурасига қуйидаги хабар келди:

«1999 йил 29 декабрь куни соат 11.30 ларда Янгиер шаҳридаги «Чўмилиш» сайилгоҳи ҳудудидан оқиб ўтувчи «Саркисов» каналининг шимолий қирғоғидан ёғоч сандиққа солинган номаълум шахснинг мурдаси топилди».



САНДИҚДА ОҚҚАН ЖАСАД

номаълум шахснинг ўлимига бош миянинг очик жароҳати, яъни бошнинг ўнг тепа-энса суякларининг очик синиши натижасида ташқи қон кетиши сабаб бўлган. Шунингдек, хулосада мурданинг бош қисмида 10 та чопилган жароҳат излари мавжудлиги, улар болта билан етказилганлиги кўрсатилган эди. Марҳумнинг бўйнидаги қорамтир доғлар эса сиртмоқ ёки камар билан бўғиш натижасида пайдо бўлганлиги қайд этилган эди.

Демак, қотил аввал бўғиб ўлдирмоқчи бўлган, сўнг қучи етмагач, болтани ишга солган. Даҳшат! Аммо нега? Ким?

Прокурор иш бошлаган биринчи кунлариданок жамоат ташкилотлари, корхоналар, ўқув даргоҳлари билан яхши алоқани йўлга қўйган эди. Айниқса, маҳалла оқсоқоллари,

фаоллари билан тез-тез учрашувлар, суҳбатлар ўтказиб туришни одат тусига айлантирганди. Бу эса ўз навбатида ҳар хил ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, ёшларни турли зарарли оқимлар таъсиридан ҳимоя этишда яхши натижалар бера бошлаганди.

Бу гал ҳам прокурор аҳолига муурожаат қилишга қарор қилди. Маҳалла қўмиталарида номаълум шахсни аниқлаш юзасидан учрашувлар ўтказилиб, халқ посбонлари ушбу ишга жалб этилди. Натижа эса қутилгандек бўлди. Кўп ўтмай Бобур номи маҳалланинг халқ посбони Э. Жонузоқов прокурор ҳузурига кириб келди.

— Марҳумнинг исми Тошпўлат Кулиханов, — деди у прокурорга ишонч билан. — Унинг тоғаваччаси Санъатулло Аҳадов шаҳарда яшай-

ди.

Шундан сўнг С. Аҳадов гувоҳ тариқасида сўроқ қилинди.

— Сиз тоғаваччангиз Тошпўлат Кулиханов ҳақида нималар биласиз?

— Унга бирор нарсаси бўлди?

— Уни ўлдиришган. Ҳозирча буни ким қилганлиги номаълум. Сизнинг кўрсатмаларингиз қотилни топишда бизга асқотиши мумкин. Марҳум нима билан шуғулланарди?

— Савдо-сотик билан. Комил деган шериги иккаласи тижорат қилишарди. Мен Тошпўлатнинг уйига келмаётганлигини хотинидан эшитгандим.

— Мана бу суратдаги кишини таний оласизми?

Тошпўлатнинг мурдаси туширилган суратни қўра экан, Санъатулло йиғлаб юборди.

— Ҳа, бу ўша...

Марҳумнинг турмуш ўртоғи Мухсина Мунавварава сўроқ қилинганда у эрини 24 декабрдан бери уйига келмаётганлигини айтди. Фотосурат кўрсатилганда у ҳам жасад турмуш ўртоғиники эканлигини тасдиқлади.

Марҳумнинг Комил исми шахс билан алоқада бўлганлиги тергов гуруҳини қизиқтириб қўйди. Шу сабабли, Комил Примкулов гувоҳ тариқасида прокуратурага чақирилди. Прокурор у билан бироз суҳбатлашгач сўради:

— Тошпўлат билан тижорат масаласида бирон марта келишмай қолганмисиз?

— Йў-ўғ-э, нималар деялсиз. У менинг яқин дўстим эди.

— Уни сўнгги марта қачон кўргандингиз?

— Охириги марта... охириги марта 18 чисода бўлса керак, ҳа, ҳа ўн саккизинчиде кўрувдим. Шундан буён биз учрашганимиз йўқ.

Прокурор Комилнинг бу қадар довдирашидан унинг ниманидир яшираётганини ҳис этди. Шундай бўлса-да унга ҳозирча шаҳардан кетмаслигини, иш бўйича керак бўлиб қолишини билдириб қайрлашди. У чиқиб кетгач, терговчини чақирди.

— Менимча, калаванинг учини топганга ўхшаймиз. Бу йигит қандайдир бир сирни яшираётганга ўхшайди. Эҳтимол қотил шудир. Эртага унинг уйида тинтув ўтказиш керак. Балки бирор далил топилар. Фақат уни қўчилиб юбормаслик керак.

Прокурорнинг тахмини тўғри чиқди. Комилнинг уйи тинтув қилинганда ётоқхонадаги сандиқчада, пол ва иситиш батареясида, шолча ҳамда кўрпачада қонга ўхшаш доғлар мавжудлиги, темир кўват оёғига ёпишган бир дона соч толаси топилди. Натижада тергов йўли билан аниқланган бир қатор инкор этиб бўлмас далил ва исботлар олдида К. Примкуловнинг ўз айбини тан олишдан бошқа чораси қолмади.

— ... 1999 йил 25 декабрь куни Тошпўлат билан бизниқда ўтирдик. Оз-оздан ичдик. Тун ярим бўлишига қарамай у уйига кетмади. Кейин ана ичдик. Кўпайиб кетди шекилли, ўртамазда жанжал чиқди. Қандайдир пул масаласида эди. У ҳадеб сўқинар, ҳақорат қиларди. Шунда... мени нима жин урди билмайман. Қайиш билан уни бўға бошладим. Уни ўлдирмоқчи эмасдим. Фақат бироз қўрқитиб қўймоқчи эдим, холос. Аммо унга қучим етмади. Шу пайт қўлимга қаёқдандир болта тушиб қолди. Жалл устида бошига бир-икки урганимни биланман...

Қонни қўриб ўзимга келдим. Нима қилиб қўйганимни билиб, қўриб кетдим. Кейин уни йўқотиш учун синтетик қолға солиб каналга олиб бордим. Сўнг уйдан сандиқ олиб келиб, мурдани уни ичига жойлаб, оқизиб юбордим...

Инсон қандай қилиб қотилликка қўл уради? У шу пайтда нималарни ўйлайди? Қўнглидан қандай ҳислар кечади? Буни фақат шундай муҳим ишга қўл урганларгина билишлари мумкин.

Нима бўлганда ҳам, бир инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум этган, ортдан мурғак гўдакларининг чиркираб қолишига, жуфти-ҳалоли, онасининг охи-зорига сабабчи бўлган Комилнинг бу ҳаракатини нима билан оқлаш мумкин? Қотиллар эса ҳеч вақт оқланмаган. Улар лаянлатишчи, жазоланиши шубҳасиз. К. Примкулов ҳам қилмишига яраша жазоланди. У суд ҳукми билан 20 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Жаҳонгир ШАРОҒОБОВ,
«Ҳуқуқ» муҳбири



САВОЛЛАР

ЖАВОБЛАР

Мен II гуруҳ ногирониман. Кўпчида иш билан Тошкентга бори тураман. Ҳар сафар автобусга чиқаётганимда ҳайдовчилар менинг ногиронлик гувоҳномамни тан олишмайди. 100 фоиз тўлайсиз, деб талаб қилишади. Айтингчи, мен каби ногиронлар аслида қандай имтиёزلарга эга?

3.Бердимуродов,
Бўка шахри

Амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан умумий касаллик бўйича 1 ва 2-гуруҳ ногиронларига қуйидаги имтиёзлар белгиланган:

- шифокор ҳулосасига кўра протез-ортопедия ва ҳаракат воситаларини бепул олиш;
- турғун даволаш - профилактика муассасаларида бепул овқатланиш;
- икки йилда бир марта сихаттоҳ йўлланмасидан фойдаланиш;
- ойлик телефон абонент ҳақини 50 фоиз миқдоридан тўлаш (1-гуруҳ ногиронлари);
- ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баровари миқдоридан даромад солиғидан озод этиш;
- ер ва мол-мулк солиғидан озод қилиш;
- пенсияга бўлган устама ҳақлар.

Транспортда имтиёзли юришга эса уруш қатнашчилари ногиронлари эгадирлар. Улар: шахарлараро автомобиль, темир йўл транспортида бир йилда бир марта (бориш-қайтиш) бепул юриш, 1 октябрдан 15 майгача чипта нарҳини 50 фоиз миқдоридан тўлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Шароит тақозосига кўра отам ва онам мен билан яшашмоқчи. Улар бошқа вилоятда яшашди. Ҳозирги янги паспорт тизимига турли янгиликлар киритилганидан сўнг улар менинг уйимга рўйхатга киришлари учун шундай имконият борми?

Собир Алимов,
Тошкент шахри

«Ўзбекистон Республикасининг паспорт тизими тўғрисида»ги Низомга мувофиқ Ўзбекистон фуқаролари Республика ҳудудининг бир жойидан бошқа жойига домий ёки вақтинчалик яшаш учун келганларида, тегишли тартибда рўйхатдан ўтишлари лозим.

Вақтинчалик яшаш учун келиш 3 кундан 6 ойгача, шунингдек, 6 ойдан ортиқ муддатга бўлиши мумкин. 6 ойгача муддатга келинганда домий яшаш жойидан рўйхатдан ўчмаган ҳолда, 6 ойдан ортиқ муддатга бўлганда эса домий яшаш жойидан рўйхатдан чиқиб, келиш жойидан рўйхатдан ўтишлари лозим. Хизмат сафарига, таътилга, дам олиш ёки даволанишга келганлар бундан мустасно.

Домий яшаш учун келган фуқаролар яшаш жойларини ўзгартирилганларида, тегишли равишда рўйхатдан чиқиб, янги яшаш жойида рўйхатга киришлари лозим. Бу икки ишлар органлари орқали амалга оширилади.

Агар рўйхатга қираётган шахс (шахслар) кўчиб қираётган уй эгасининг ота-онаси бўлса, бундай шахсларга турар жойга кўчиб киришда белгиланган нормалари уларга нисбатан тадбиқ этилмайди.

Турмуш ўртоғим Афғонистонда бўлган уруш ногирони. Лекин биз яшашган уйда у ҳали рўйхатдан ўчмаган. Уй тўловларида унинг ногиронлиги учун имтиёзлар ҳисобга олинадими, йўқми?

Мухаббат Алиёрова,
Самарқанд шахри

Афғонистон уруши қатнашчилари уй-жой ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашда 50 фоиз енгилликка эга. Лекин бундай имтиёз муайян бир жойда яшаб, ўша уйда ҳисобда турган бўлсагина тадбиқ этилади.

Биз ҳовли участкамизни 1974 йилда сотиб олганмиз. Ўшанда уй эгаси 4000 (тўрт минг) сўмни отам олиб борганда олмаган. Уйни сизларга бердим деб. Орадан шунча йил ўтиб, яъни 1998 йилдан бу участка бизники, чиқинглар дейпти. Ваҳоланки, уй-жой отамнинг тўлиқ номига ўтган. 25 йилдан буён уй-жой, ер солиқларини тўлиқ тўлаётимиз.

1986 йил уй яроқсиз ҳолатга келгани учун уни бузиб ташлаб янги уй қураётимиз. Энди ҳар доим келиб бизларни қўрқитиб, кўчага ҳайдамоқчи.

1998 йилда отам 170 минг сўм пул ҳам тўлади. Бизни уй-жойга эгалик қилишга ҳуқуқимиз борми? Бу можаро қонун йўли билан ҳал этилганда қим топиб чиқади? Бизни ёки уйнинг олдини эгасими? Уларнинг айтиши бўйича уй жойининг ҳужжатида уй эгасининг хотинининг имзаси йўқ эмиш. Шу асос бўла оладими?

Бекмуродова Рашида,
Сурхондарё вилояти

Хат мазмунидан маълум бўлишича, 1974 йил уй эгаси сўзларга уйни текинга бериб юборган. Бошқача қилиб айтганда, уни сизларга ҳадя этган. Лекин ўзаро келишув озгача равишда бўлган. Агар ҳақиқатан ҳам мазкур уй суд томонидан ҳадя деб топилса, унда фуқаролик кодексининг 508-моддаси талабига кўра уни бекор қилиб бўлмайди.

Менинг отам билан онам 1989 йили турмуш қуришган. Лекин отам бунгача ҳам уйланган бўлиб, биринчи хотинидан иккита оғза етмаган фарзанди бор. Яқингача улар алимент олиб келганлар. Отам вафот этгач, алимент тўлови тўхтаб қолди. Аммо отамнинг олдинги хотини

Бу талаб нотўғри ва у қонун нормаларига зид ҳисобланади. Чунки шахсининг вафот этиши билан унинг шахсига бевосита боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг яқинлари ва бошқа шахсларга мерос бўлиб ўтмайди. Бу қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлар! Масалан, вафот этган шахс ҳаётлик пайтида бирон кишининг ҳаёти ёки соғлиғига етказган зарар учун тоvon тўлаш; у аъзо бўлган тижорат ва бошқа ташкилотларга аъзоллик қилиш (агар қонун ёки шартномада бошқача ҳол белгиланмаган бўлса); алимент

«Отани бўлмаса, сенлар тўлайсанлар» деб талаб қилаётми. Унинг бу талаби тўғри бўлса, бу қайси қонунда кўрсатилган?

Зокир Ш,
Жиззах вилояти

мажбуриятлари; пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни олишга бошқа шахслар даъво қилишга ҳақли эмаслар. Фақатгина унинг мулкий ҳуқуқларини мерос сифатида талаб қилиш мумкин. Қолган шахсий номулкий (мулк билан боғлиқ бўлмаган) ҳуқуқларига эгалик қилишни талаб қилиб бўлмайди.

Агар вафот этган шахсининг қарз мажбуриятлари бўлса, унинг тўлови у томонидан қолдирилган мерос ҳисобидан амалга оширилади.

Онам 1971 йил отам билан ЗАГС рўйхатидан ўтмасдан турмуш қуришган. Мен 1972 йили туғилганман. Бир ёшимда улар ажрашиб кеттишган. Мен туғилганимда отам ЗАГСлари бўлмаган ҳам туғилганлигим ҳақида гувоҳнома олаётганда ўз фамилияларига ўтказганлар. Яъни Раҳимов Икром Жаҳонгирович деб. Кейин отам уйлانганлар, онам турмуш қўрмай ўтибдилар. Биз ҳозир уй-жойдан қийналаяпмиз. Отамнинг

Мазкур ҳолатда сиз мерос олишга ҳақлисиз. Бунинг учун судга меросни бўлиш ва сизни меросхўр деб топиш тўғрисида ариза билан мурожаат этишингиз лозим. Бунда сиз тилга олган шахс отангиз эканлигини тасдиқловчи далил ва ҳужжатларни судга тақдим этиб, исботлаб беришингиз лозим бўлади.

уйдан мерос олишга ҳаққим борми? Ҳозир отам яшаган уйда хотини, қизи ва иккинчи хотинининг кейинги эри яшаб келишати. Агар мерос олишга ҳаққим бўлса қандай ҳужжатлар керак. Ҳозир ёшим 28 да. Орадан 27 йил ўтса ҳам мерос талаб қилишга ҳуқуқим борми, илтимос, менга тўғри йўл кўрсатинг.

И.Ж.Рахимов,
Тошкент шахри

Далил ва ҳужжатларга:

- паспорт;
- туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома;
- ота-онангиз никоҳ қўрган йиллари муайян уйда яшаганлиги ҳақида маълумотнома, бунга гувоҳлик берувчи шахсларнинг тушунтириш хатлари.

Агар ҳарбий хизматчи жиноят содир этса ва суд унга хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони тайинлаган бўлса, ушбу жазони ўташ вақтида унинг унвони оширилиши ёки жазони тўлиқ ўтаб бўлмайдиган туриб хизматдан

бўшатилиши мумкинми ва ушбу жазо қаерда ўтатилиши лозим?

С.Бобоёров,
Тошкент шахри.

Суд ҳарбий хизматчига нисбатан хизмат бўйича чеклаш тариқасида жазо тайинлаганда ушбу турдаги жазо ҳарбий хизматчи хизматини ўтаётган қисмда ижро этилади. Ва бунда бу ҳақдаги суд ҳукмининг нусхасини олган ҳарбий қисм командири уч кун ичидан (олган пайдан бошлаб) қуйидаги ҳолатлар кўрсатилган буйруқ чиқаради:

- ҳарбий хизматчини лавозим ва ҳарбий унвонда қўтаришга тақдим этмаслик асоси ва муддати;
- ушбу жазога ҳукм этилган ҳарбий хизматчи наватдаги ҳарбий унвон бериш ва пенсия тайинлаш учун қўшиб ҳисобланмайдиган вақтни;
- унинг пул таъминотида давлат фойдасига

ўтказиладиган чегирма миқдори.

Ана шу буйруқда кўрсатилган вақт мобайнида (жазо муддати мобайнида) ҳарбий хизматчини; лавозими ва унвони оширилиши мумкин эмас. Ҳарбий хизматчи (махкум) бошқа қисмга ёки шу ҳарбий қисм доирасида бошга ишга ўтказилган тақдирда ҳам унга аввалги иш лавозимга тенг лавозим берилади.

Ушбу турдаги жазони ўтаётган шахс ҳукмда белгиланган жазо муддати тугагунга қадар қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ ҳарбий хизматдан бўшатилиши мумкин. Бундай ҳолатларда командир жазонинг ўталмай қолган қисмини бошқа жазо билан алмаштириш ёки жазодан озод қилиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун материалларни судга тақдим этади.

Мен шахримиздаги заводлардан бирида муҳандис бўлиб ишлайман. Мазкур заводда уч йилдан бери ишлаб келмоқдамиз. Лекин кейинги йиллар мобайнида вужудга келган айрим сабаблар нормал ишлаш учун тўққинлик қилиб қалаётти. Шунинг учун ҳам мен бу ердан кетишга қарор қилдим. Аммо завод директори «сиз билан беш йилга меҳнат шартномаси

тузганмиз, шунинг учун яна икки йил ишлаб беришингиз керак, ундан кейингина кетишингиз мумкин», дейпти. Директоримизнинг талаби тўғрисида? Агар мен унинг талабини бажармай, ишга чиқмасам у мени ишдан ҳайдаб юбориши ҳам мумкинми?

Шариф О.,
Тошкент шахри

Агар ходим ишга узрли сабабларсиз келмаса Меҳнат кодексига белгиланган чоралар (то ишдан ҳайдашгача бўлган) кўрилишига олиб келиши мумкин. Лекин чора белгиланаётганда ҳар бир ҳолатда қилинган ножўя хатти-ҳаракатнинг келтириб чиқарган оқибати ва корхонанинг нормал иш фаолиятига бўлган таъсири ҳисобга олинади.

Агар сиз ишдан кетиш истагида бўлсангиз бунинг учун ишга чиқмасликнинг ҳолати йўқ. Бунинг учун гарчи иш берувчи билан тузилган

меҳнат шартномасининг муддати тугамаган бўлса ҳам иш берувчини шартномани бекор қилиш тўғрисида икки ҳафта олдин огоҳлантириш лозим. Ана шу огоҳлантириш муддати тугаган сиз ишни тўхтатишга ҳақлисиз. Иш берувчи эса шундан сўнг меҳнат дафтарчасини бериши ва сиз билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Агар ана шу муддат тугагандан кейин меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотлади.

Менинг жияним, яъни онамнинг ўғли икки йилдан буён биз билан яшайди. У менинг фамилиямга ўтишини истардим. Бунинг учун нима қилиш керак?

Ш.Раҳимова,
Қашқадарё вилояти

Бунинг учун васийлик ва ҳомийлик органига мурожаат этиш лозим. Бу орган боланинг манфаатларини ва ота-онанинг фикрини ҳисобга олган ҳолда масалани ҳал қилади.

Исм ва фамилиясини ўзгартириш фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи томонидан амалга оширилади.

Ун ёшга тўлган боланинг исми ва фамилиясини ўзгартиришда унинг розилиги талаб қилинади.

СУД ОЧЕРКИ

... «Терри» вагон-ресторанга кириши биланоқ безовталана бошлади. Ошхона эшигига яқинлашган эса ириллаб, полни тирнай кетди. У оёқлари остини бетоқатлик билан хидлар, хансираб нафас оларди. — Шу ерда бир гап борга ўхшайди, — деди ит ўргатувчи Рустам Сайторов. — Йўғ-е, қўйсангиз-чи, нима ҳам бўларди, — дея эътироз билдирди вагон-ресторан директори А.Зокиров. — Бу махсус ўргатилган хизмат ити, — унинг гапини чўрт кесди божхона масканининг катта суриштирувчи нозир Равшан Мансуров. — Бежизга бунақа безовталанмайди. Бир неча дақиқалик мунозарадан сўнг қатъий хулосага келишди: Пол устидаги линолиумни кўтариб қўриш керак! Тўшма материал кўтарилган захоти барчанинг нигоҳи куйидаги манзарага тушди: Махсус тайёрланган хуфёна жойга турли хил ўлчамдаги целлофан халтачалар тахлаб қўйилганди. — Вой, товба! — деб юборди кимдир хайратини ичига сийдирилмай. Шундан сўнг целлофан копчалардаги моддалар кўздан кечирила бошланди. Уларнинг гивеанд модда эканлигига ҳеч кимда шубҳа йўқ эди. Целлофан халтачалар тўқсон беш дона экан. Улар далилий ашё сифатида тегишли тартибда олинди. Вагон-ресторан поезддан узиб қолдирилди. Бир неча шахс эса гумондор сифатида ушланиб, суриштирув ҳаракатлари бошланди.

— Товар кимники?! Кимга тегишли бу нарсалар?! Анд шу саволлар гумондорларга қайта-қайта берилди. Такрор-такрор сўраб, суриштирилди. Бироқ уларнинг ҳеч биридан тайинли гап чиқмасди. Фақат эртаси куни ресторани ҳодимларидан бири «ёрилди». — Мана шу йигитни, — шипшиди у йўловчилардан бирига ишора қилиб, — икки-уч кун олдин Душанбеда шохбеканинг вагонларини сақлаш-таъмирлаш корхонасида кўрган эдим. У биз билан ишламайди. Шундай экан, корхонамизда нима қилиб юрган бўлиши мумкин? Балки, вагондан топилган «товар» ушаникдир. — Ушбу кўрсатма гумонланувчи тартибда ушлаб турилган Саидамир Исмомовни тузукқа туширишга жуда қўл келди. — Сиз Душанбе шохбеканинг таъмирлаш корхонасида нима қилиб юрган эдингиз? Саидамир қўтилмаган бу саволдан довлдираб қолди. Нима деб жавоб беришни билмай, ранги оқарди. — Терговчи чалғитаман, сувдан қуруқ чиқиб кетаман, деб бекорга овора бўлманг. Сиз ҳақингизда етарли маълумотларга эгамиз. Эслатиб қўй: айбони бўлганга олиб, чин дилдан пушаймон бўлиш жазони енгилатади. Билсангиз, бу ҳонунда ҳам қайда атилаган. Терговчининг бу усули яхши натижа берди. Саидамирни ҳаяжон босди. Ортиқ сир сақлашга бардоши етмади. — Айтаман... Ҳаммасини айтаман. *** Саидамир бозорда савдо-сотиқ қилиб юрган кезлари Жамшид дедани йигит билан танишиб қолганди. Бир куни Жамшид остана халтаб, унинг уйига кириб келди. — Келинг, хуш кўрдик, қайси шамол учирди, — меҳмонга очик чеҳра билан рашвоз чикди Саидамир. — Сизнинг шамолингиз-да, биродар, — тиржайди Жамшид. — Сизнинг шамолингиз. Улар анчагача сўхбатлашиб ўтиришди. — Энди мударога ўтсак, — деди ниҳоят меҳмон. — Бир хизмат бор. «Хўп» десангиз, пулга ботасиз. — Қандай хизмат экан? Саидамирнинг «хизмат»га қизиқиши ортганини пайкаган Жамшид анча дадиллашди: — Менда беш кило наркотик модда бор. Шуни Москвага етказиб берсангиз, 5000 АҚШ долларини нақд санаб оласиз. — Беш минг доллар?! — Ҳа, беш минг! Ундан бир тийин ҳам кам эмас! Саидамирнинг кўзларидан ўт чакнаб кетди. Миясида Жамшиднинг «Нақд беш минг долларни санаб оласиз», деган сўзлари тинимсиз чарх урарди. Шу онда унинг онгу шуурини ҳар хил хаёллар бутунлай банд этган эди. — Биламан, бу қалтис иш, — деди у бир паслик суккутдан сўнг. — Лекин начора, мен ҳам рўзгор тебратишим, болаларимни боқишим керак. Мухтожлик жонга теги. — Розимисиз? — Розиман. Фақат сиз ҳам лафзингизда туринг. Бу ёғини тақдир-пешонамдан кўраман. — Менинг гапим-гап! Буёғидан хотиржам бўлинг. Энди иш ҳақида гапласан. «Юк»ни манзилга олиб боришинг энг қулай йўли поезд. Шу сабаб, биринчи навбатда темир йўлда ишлайдиган биронта одам топиш керак. Шундай қилинса, ўзингизга ҳам осон бўлади.

Саидамир тонг отиши биланоқ Душанбе шохбеканинг вагонларини сақлаш ва таъмирлаш корхонасига боради. Бу ердан у ўзига жиноий шерик топишга қўл вақт сарфламади. «Душанбе-Москва» поездининг вагон-ресторанида ишловчи Ражаб исмли йигитнинг кўнглига қўл солиб қўради. — Хизмат бор, — дейди унга. — Агар рози бўлсангиз... — Қанақа хизмат? — Гап бундай, биродар, «дори» бор. Беш кило. Шуни бир амаллаб Москвага етказасан, беш минг доллар иккаламизники бўлади. — Беш минг доллар?! Аниқ гапми шу? — Ҳа, «юк»нинг эгаси мени ишонтирди. Истасангиз-сизни ҳам у билан учраштираман. — Майли, уша марднинг ўзи билан бир учрашай-чи. Кейин ўйлаб кўраман. Саидамир эртаси куни Жамшиднинг бошлаб келди. — Кўнглингиз тўқ бўлсин, бу ишда

«героин» ва 1 килограмм 821 грами «опий» гивеандлик воситаси эканлиги аниқланди. Саидамир Исмоловнинг ҳаётига олий жазо ҳавф солиб турарди. У эса дастлабки тергов чоғида ҳам, суд жараёнида ҳам гивеанд моддаларни Жамшид исмли одамга тегишли эканлигини таъкидлашдан чарчамасди. Унинг бу важи суд терговини давомиди атрофлича текширилди ва ушбу кўрсатма ҳақиқатга тўғри келади, деб топилди. Бундай хулосага келинишига асосан қуйидаги гувоҳларнинг суд мажлисида баён этган кўрсатмалари асос бўлди: М.Табаров: — Мен ҳам Москвага кетмоқчи эдим. Жамшиддан билет олиб беришини илтимос қилдим. Сафарга чиқадиган икки кун олдин у темир йўлда ишлайдиган Ражаб исмли йигит билан уйимга келиб, «мана шу йигит сени Москвага олиб кетади», деди. Сўнг бир катта қора сумкани қолдириб кетди. «Бу нима?» деб сўраганимда «Дори-дармон. Бир оздан кейин олиб кета-

«ТЕРРИ» НЕГА БЕЗОВТА?

ЎКИ СИРЛИ ВАГОН-РЕСТОРАН ХУСУСИДА

«йўин» кетмайди, — дейди у Ражабга ишонқирамай турганини сезиб: — Сизларни Москвада ўзим кутиб оламан. Аввал пулни олиб, кейин товарни берасизлар. — Розиман. Мен нима қилишим керак? — Сизнинг асосий вазифангиз хуфёна жой топиб, товарни жойлаштириш. Йўлда кўз-қулоқ бўлиб кетиш эса Саидамирнинг зиммасида. Тушунарми? — Тушунарли. Фақат товарни поезд жўнашидан бир кун олдин, кеч-қурун олиб келасиз. Қолган ишни ўзим бажараман. Жамшид билан Ражаб қўл ташлашди. *** «Душанбе-Москва» поезди Ўзбекистон ҳудудидидаги биринчи темир йўл бекати — Сариевга келиб тўхтади. Чеғара-божхона текшируви бошланди. Саидамир Ражабни суриштирди. Аммо у аллақачон кўздан ғойиб бўлганди. Осмонга учдимиз, ерга кирдимиз, буни ҳеч ким билмасди. Дарвоқе, вагон-ресторандан далилий ашё сифатида олинган моддаларнинг 43 килограмм 532 грами

«ман» деди. Шу кетганимга эртаси куни келиб сумкасини олиб кетди. «Кутиб тур. Сени поездга ўзим чиқариб қўяман», деганди. Аммо Жамшид қорасини ҳам кўрсатмади. Охири бир амаллаб, ўзим поездга илашдим. И.Мирзаев: — Поезд жўнайдиган тунда Ражаб бир йигит билан вагон-ресторанга қолди. «Бу ким?» деб сўраганимда «танишим», деди. «У бу ерда нима қилиб юрибди», деган саволимга эса «Унда наркотика бор», деб жавоб берганди... Суд С.Исмоловга жазо белгилашда у гивеанд модданинг эгаси эмаслигини, олиб кетилаётган модда микдорини аниқ билмаганлигини, ушбу жиноятни оғир моддий ахволга тушиб қолганлиги сабабли содир этганлигини, айбига тўлиқ иқроор бўлиб, чин кўнглидан пушаймонлик билдирганлигини, қарамоғида хотини ва уч нафар воғида етмаган фарзанди борлигини инобатга олиб, унга нисбатан олий жазо тайинлаш маслиҳати мақсадга мувофиқ деб топди. Суд ҳукмига кўра Тожикистон Республикаси Ҳуқуқсоз С.Исмолов 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. У жазо муддатининг дастлабки 3 йилини хибсхонада, қолганини эса қаттиқ тартибли муассасада ўтказадиган бўлди. Саидамир эл қатори кун қўраётган эди. Аммо у ҳавойи бойликка эришиб, элдан устун бўлмоқчи бўлди. Оқибатда...

Ўқтам БҮРИЕВ,
Термиз транспорт прокурори,
Қурбон ЖҲАНАЗАРОВ,
«Хуқуқ» мухбири

Internet ХАБАРЛАРИ

ЖУРНАЛИСТ ГАРОВДА

Американинг Нью-Йорк штатида қаттиқ қўриқланадиган Клинтон-овск қамқохонасининг маҳбуси ундан интервью олиш учун келган журналист аёлни гаровга тутиб олди, дея хабар қилади CNN ахборот агентлиги. Кеннет Каймэз нью-йорклик 82 ёшли миллионер аёлни ўлдирганликда айбланиб, 125 йиллик қамқохонага ҳукм қилинган. У ушбу қотилликни онаси Сейнт Каймэз билан биргаликда амалга оширган. Муқтақил журналист ҳисобланган Мэрайя Зоун «Криминал тарих» кўрсатувини тайёрлаш учун Кеннетнинг ҳузурига иккинчи бор келиши эди. Қўтилмаганди у Зоуннинг бўйнига ёзув ручкасини тираб, қўрқич ва суратга олиш группаси аъзоларини ундан узоқроқ туришларини талаб қилди. Журналистни унинг қўлидан қутқариб олиш ишлари 4 соатгача давом этди. Бироқ Кеннетнинг ўзи уни ҳеч шикаст етказмасдан озод этишга қарор қилди.

ХИМОЯЛАБ ҚОТИЛ

Францияга Американинг Пенсильвани штатидан келган Эйнхорнлар-оиласи бу-юртнинг «мурожаат этмаган бирорта ҳам юқори инстанцияси қолмади. Айра Эйнхорн хатто Франция бош вазирини Леонель Жоспен номига ҳам хатлар ёзди. Парижда эса матбуот конференцияси уюштириб, дунёга машҳур ҳимоячилар билан ҳам учрашди. Хўш уларнинг бунчалик қуйиб-пишишига сабаб нима? Гап шундаки, у ўз юртида қотиллик содир этганликда гумон қилинмоқда ва агар у Америкага қайтадиган бўлса, полиция сўроқларига дуч келиши аниқ. Ўз навбатида бош вазир халибери унинг мақбулга жавоб беришига шўшиланган.

ҲАММА БИР КИШИ УЧУН

Петербурглик такси ҳайдовчилар ўз ҳамкасбларини хафа қилган безорини тутиш мақсадида Октябрь кўчасининг барча чиқиб йўлларини тўсиб қўйишди. Англиялишича, тахминан тўнги соат 2 ларда такси ҳайдовчиси йўловчининг ишорасидаги бинаован тўхтаб, кира ҳақини келиша бошлади. Аммо йўл ҳақи мижозга бироз қиммат туюлади ва бунинг учун савдолашчи ўрнига у ҳайдовчининг газ пистолети билан жазолаб жуфтанин ростлаб қолади. Бир зум ўзини йўқотиб қўйган ҳайдовчи ўзини ўнглаб олган рация орқали хабар беришга улуғурди. Хабарни олган 50 нафар ҳайдовчи воқеа содир бўлган ва унинг яқинидаги кўчаларни беркитди. Тонгги 4 ларда эса милиция безорини ушлашга муваффақ бўлди.

Соатли СҮРОПОВ,
Чортқок туманлараро
прокурорининг ўринбосари

Таниш... БОСҚИНЧИЛАР

Нурлан Андибековнинг кўра-лар? — Бунинг аҳамияти йўқ. Бизга пул керак, тушунидигингизми, — дўқ қилди улардан бири чўпоннинг сочиндан маҳкам ушлаб. — Бўлса беринг, жимгина чиқиб кетамиз. Босқинчилардан бири Нурланнинг бўйнига пичоқ қадади, иккинчиси хонада бўлган қамчи билан унинг белига бир неча бор тушурди. Сўнг чўпоннинг оёқ-қўлини боғлашди. Кейин хотини Анорхоннинг ҳам қўлоғини боғлаб, эрининг ёнига

ётқизиб қўйишди. — Жон оғайнилар, бизни ўлдирманглар, пулимиз йўқ. Кўрага кириб қўйимиздан кел-рагича етаклаб кетаверинглар, — деб ялиниб-ёлворди чўпон. Эр-хотиндан пул чиқмаслигига ишонч ҳосил қилишгач, қаззоблар хонани алғов-далғов қилишга тушди. Тоқчада турган сандиқчани титиб, 8 минг сўм пул, қийим-кечакларни ва хонада бўлган бошқа нарсаларни олишди. Эшик ёнида турган чўпоннинг янги этиги

ҳам «азамат»ларнинг нигоҳларидан четда қолмади. Улардан бири уни ўзининг эски этигига алмаштириб олди. Шундай қилиб, жиноятчилар умумий баҳоси 20800 сўмлик нарсаларни олиб, чиқиб кетишди. Босқинчилар жуфтанин ростлашгач, Нурлан боғланган қўл ёғини бир амаллаб ечди. Сўнгра хотинини ҳам арқондан бўшатди. — Баччагарлар танишга ўхшайди, — деди Нурлан хотини нималарнидир эслашга уриниб. — Сен ҳам бирор нарса сездингми? — Ҳарқалай бирининг овози танишдек туюлди. — Илгари мен билан бирга

ишлаган Ботиржон бор эди-ку, эслайсаним? Унинг уқаси Қо-бирди кўрамаизга тез-тез келиб турарди. Босқинчилардан бири ўша эмасмикин? — Топдингиз, — деди Анорхон эрига, — овози ўшаникига ўхшаб кетади. Нурлан бўлган воқеадан жамоа ҳўжаллиги раҳбарларини хабардор қилиш учун идорага жўнади. Идорадагилар кўрадаги босқинчилардан воқиф бўлишгач, дарҳол туман ИИБга хабар беришди. Зудлик билан етиб келган тезкор қидирув ҳодимлари ишга киришди. — Босқинчилар уч киши эди, — дея бўлган воқеани тушунтира бошладил Нурлан. — Бирини

овозидан таниб қолдик, агар гумонимиз тўғри чиқса... Чўпоннинг гумони тўғри чиқди. Босқинчиларнинг бошлиғи муқаддам Нурлан билан бирга ишлаган Ботиржон Жўрабоевнинг уқаси, Қодирбек Жўрабоев бўлиб чиқди. У ҳамқишлоқлари Алишер Тўлабоев ва Хусниддин Эргашевлардан иборат ғуруҳ тўзиб, босқинчилик жиноятига қўл урди. Туман суди ҳукми билан Қ. Жўрабоев ва А. Тўлабоев 12 йилга, Х. Эргашев 11 йил муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

**АДОЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ
УЙҒУНЛИГИ**

«Ўзингни, уйингни асра, химоя қил мард ўғлон». Биз бу сўзларни ҳар куни эшитамиз. Огоҳликка даъват этувчи ана шу сўзлар «Қонун химоясида» журнали 9-сонидаги бош мавзулардан бири сифатида эътироф этилган. Журналини қўлга олган ўқувчи бунга ишонч ҳосил қилади.

«Кучли шахсларни тарбиялаш энг аввало жамиятда фуқароларнинг қафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилишдан бошланади». «Миллат, маънавият ва қонун» номли бош мақола ана шу сўзлар билан бошланади. Жамиятимиз тараққиётида ҳуқуқий маданиятнинг ўрни қандай? Унинг тарихи қайси асрларга бориб тақалади? Мақолада журналхон ана шу саволларга жавоб топади.

Бугуннинг раҳбарикандай бўлиши лозим? Бу ҳақида ҳар бир раҳбарнинг ўз фикри бор. Кимдир раҳбар камтар, ҳалол бўлиш керак деса, яна бир инсон ўзича раҳбар қаттиққўл бўлиш тарафдори. Шу соҳада тажриба тўплаган социологик тадқиқ ўтказган олим нима дейди? ГДУнинг илмий ишлар бўйича проректори Ҳ. Абдукаримовнинг «Раҳбарлик санъати» мақоласи ана шу мавзуга бағишланган. «Журналда ўрин олган «Жазони белгилашда ҳисобга олинмайдиган енгиллаштирувчи ҳолатлар», «Тортишув принципи ва суднинг процессуал мавқеи» мақолалари ҳуқуқшунос-ларни баҳсга чорлайди. Чунки, бу мақолаларда қонунларимиздаги мунозарали мавзуларга қўл урилган.

Тошкент Давлат юридик институ аспиранти С. Мирзаев «Фермер ҳўжалигининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи» ҳақида деҳқонларга тушунтириш беради.

«Обид ҳовлиқчандан қўлини онасининг танига теккизиб қўрди. Оқариб турган чехраси аллақачон совиб улгурган эди бояжининг. Мурда теласида бироз донг қотиб турган ўғилнинг вужуд-вужудидан «оҳ»ли бир дардқалжик чиқди: «Вой, онаме-ей! Нега ташлаб кетдингиз? Нечун бундай қилдингиз? Нега қад-рингизга етмадингиз?» Ушбу сатрларни «Хунук бўлсанг кўзгудан ўпкалама» руқни остида берилган мақоладан келтирдик. Мақола ўз онасининг қотилига айланган фарзанд



ҳақида ёзилган. Фожеанинг илди-зи ҳақида билмоқчи бўлсангиз ушбу мақолани топиб ўқирсиз...


...1997 йил 12 сентябрь куни тонг саҳарда «Жомашўй — Бувайда» йўлидан ўтувчи кишилар дала йўлида кўкка буруқсиб кўтарилаётган катта қора тутуннинг гувоҳи бўлдилар. Одамлар: «Ажабо, нима ёнапти экан?», — дея унга тааж-жубланиб қарашар эди. Лекин ҳали ёниб улгурмаган бу нарсанинг ёнига боришга ҳеч кимнинг юраги дов бермади. Агар сиз бу воқеанинг нима билан тугаганини билмоқчи бўлсангиз «Ёндирилган «Тико» сирини» ўқисангиз жиноятнинг қандай фош қилинганини билиб olasиз.

Журналимизнинг «долзарб мавзу» руқнида олим Файзулла Муқимов «Давлат ва ҳуқуқ тарихи фанларининг баъзи муаммолари» ҳақида сўз юритади.

«Авесто» Ўрта Шарқ жумладан Ўрта Осиё халқларининг қадим маданияти ҳақида маълумот беришчи нодир ёзма ёдгорлик ҳисобланади. Доимий муаллифимиз О. Бўриевнинг «Авесто: табиат, инсон ва қонун» мақоласи Авестонинг тарихимиз, маънавиятимиз ва маданиятимиздаги ўрнига бағишланган. Журналимизнинг доимий муҳлисларига детектив қиссаларни интиқлик билан кутишади.

Журналимизнинг бу сонидан Қаҳрамон Аҳмедовнинг «Очқик қолган эшик» номли қиссаси ўрин олган. Асарда қутилмаган воқеалар, турли қизиқарли детектив ҳолатлар ўқувчиларни лоқайд қолдирмайди.

KROSSWORD



ЭНИГА:

1. Мамлакатимиз талаба-ёшларининг чет эл давлатларида таълим олишлари кўмаклашувчи жамғарма. 2. Қадимий тош битиклар топишган Жиззах вилоятидаги маскан. 4. Ватанимизнинг олий мукофотларидан бири. 6. Молиявий муассаса. 11. Фойдали қазилма. 12. Электроника маҳсулотлари билан жаҳонга машҳур япон фирмаси. 13. Тропик минтақаларда яшовчи қўш. 14. Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири. 15. Наманган вилоятидаги шаҳар. 17. «Ўзбэ» қўшма корхонасида тайёрланган сират ишлари билан шугулланувчи шахс. 32. Гёеванд модда. 33. Миллий ширинлик тури. 42. Гулбаданбегим қаламига мансуб тарихий асар. 43. Туркистонда нашр этилган илк газеталардан бири. 44. Замонавий мусика тури. 45. Қуруқликда яшовчи йирик ҳайвон. 48. А. Навоий маълум муддат ҳокимлик қилган шаҳар. 49. Амударёнинг қадимий номларидан бири. 50. Европадаги кўҳна шаҳар. 51. Ўзбек болаларининг қадимий, миллий уйинларидан бири. 53. Сув ҳавзаси. 54. «Инсоф — ... соф» (мақолдан). 55. Кўнгил, қалб. 56. Энг кўп истеъмол қилинадиган ичимлик. 57. Жанубий Корея пул бирлиги. 64. Оллох, худо. 65. Қир, тепалик. 66. Чўлпоннинг «Кеча

ва кундуз» асаридаги қаҳрамон. 67. Ўғил болалар исми. 68. Мумтоз адабиётимиздаги шеърин жанр. 69. Халқимизнинг миллий байрамларидан бири. 70. Ҳадис илмининг султони номига сазовор бўлган буюк ватандошимиз. 71. Мумтоз мусикаларимиздан бири.

БЎЙИГА:

1. Қадимда гужумлар юрти деб аталган шаҳар. 2. Туркийларнинг буюк кашфиётларидан бири. 5. Қимматбаҳо металл. 7. Туркий қабилалардан бири. 8. Болтиқбўйидаги шаҳар. 9. Қаландар тахаллуси билан ижод қилган ўзбек шоири. 10. Ҳўкмдорлар ва подшоҳлар ўрни. 16. Сохибқирон Амир Темур бобомизнинг оталарининг исми. 17. Японияда ишлаб чиқариладиган автомобиль. 18. Йирик ўзбек олими ва мутафаккири. 19. Халқимизнинг атоқли фарзанди, давлат ва жамоат арбоби. 21. Қадимий оғирлик ўлчови. 22. Таниқли ўзбек боксчиларидан бири. 23. Темурий шоҳлардан бири. 27. Республикада чоп этиладиган хотин-қизлар журнали. 34. Ўқимлиш аёл. 35. Пардоз суюқлиги. 36. Бино, уй-жойлар учун муҳофаза иншооти. 37. Ўзбек романчилигининг асосчиси. 38. Табиий сувларни тўплаш учун қурилган қадимий иншоот. 39. А. Фитратнинг тил ҳақидаги асари. 40. Халқимизнинг буюк фарзанди ва йирик давлат арбоби. 41. Чўл ўсимлиги. 46. Ўзбек қизқичларидан бирининг исми. 47. Душман, ғаним. 52. Жаҳидчилик оқимининг йирик намоёндаларидан бири. 58. У саждагоҳ каби муқаддас. 59. «Нур — ... дир». 60. Оксаяклар, эшонлар авлодидаги мансуб шахс. 61. Тарикат асосчиларидан бири. 62. Ошшоҳна анжуми. 63. Марғинонийнинг фикшуносликка оид йирик асари.

Тузувчи: Л. НОРКУЛОВ

Газетанинг ўтган сонида берилган кроссворд жавоблари:

Энига: 1. «Жаҳон». 3. Қулупнай. 6. Гашиш. 9. Атланта. 11. Динамит. 14. Бол. 15. Ода. 16. Ракета. 17. Аланга. 19. «Соната». 22. Каллик. 25. «Жамила». 28. Армени. 29. Мис. 30. Ибо. 31. Ангалия. 33. Капалак. 35. Доира. 36. «Фантомас». 37. Орият.

Бўйига: 1. Жумбоқ. 2. Онт. 4. Устара. 5. «Адида». 7. Ари. 8. Шажара. 9. Алдарқўса. 10. Лола. 12. Мина. 13. «Томогавик». 18. Нил. 20. Нам. 21. Жамшид. 23. Кафт. 24. Казино. 25. Жирафа. 26. Итил. 27. Иморот. 32. Нур. 34. Аср.

ҚАҲ-ҚАҲА

Мактаб ўқувчиси пойафзал дўконига кириб сотувчига дебди:
— Ботинкабоғ олмоқчи эдим.
— Қанақасидан?
— Битта чапидан, битта ўнгидан.

Врач қабулига кириш учун навбатда турган икки кампир ўзаро сўхбатлашапти:

— Шу десангиз, дўхтирларнинг ёзувига ҳеч тушуниб бўлмайди-да...

— Шуниси яхшида, — дебди

иккинчи кампир. — Масалан, мен дўхтир ёзиб берган рецепт қозғондан жуда яхши фойдаландим. Биласанми, мен у қозғон билан бир йил шаҳар транспортда бепул юрдим, шунча вақт уй солиқларини тўлашдан озод қилиндим ва театр томошаларига 60 марта бепул тушдим.

— Дада, суюнчи беринг, санаши ўргандим!

— Э, шунақами, қани саначи.

— Бир, икки, уч... олти, етти...

— Яхши, яхши, давом этчи.
— Валет, дама, қирол, туз!

Югуриш мусобақаси ўтказилляпти. Маррага яқинлашаётган спортчини кузатиб турган томошабинлардан бири иккинчисига сўра-япти:

— Биринчи бўлиб келаётган қизил майкали спортчи ким бўлди экан, билмайсанми?

— Қанақасига қизил майка, бечоранинг тили осилиб қолибди-ку!

ФУТБОЛ

УМИД ҲАМОН СЎНГАНИ ЙЎҚ

Газетхонларимизнинг хабари бўлса, «Хуқуқ»нинг ўтган сонида «Ўртоқлик учрашуви ўртоқчасига ўтди» деб номланган чиқишимизда мамлакатимиз терма жамоаси бош мураббийи Ю. Саркисяннинг Осиё чемпионати бошланиши арафасида Тошкентда Туркманистон терма жамоаси билан ўтказилган учрашув ҳақидаги мулоҳазаларини келтирган эдик. Бош мураббий жамоамизни Ливанда ўтказилайдиган учрашувларга ҳар жиҳатдан тайёр эканлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Аммо, Ливанда Ўзбекистон терма жаомасининг катарликлар билан ўтказган илк учрашувидеки мухлисларимизнинг футболчиларимизга бўлган ишончларини бироз пучга чиқарди. Чарм түп мухлисларига яхши бўлмукчи, юртдошларимиз Катар жамоаси билан аранг дуранг (1:1) натижага эришди. Олдинда турган масъулиятли учрашувлар хусусида жамоамиз фойдасига башорат қилиш ҳам даргумон бўлиб қолди. Яна ким билади, дейсиз, балким бош мураббий худди шу уйинлар учун ўз «тактикаси»ни сақлаб тургандир...